

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИДА ЖАЗО ЎТАЁТГАН МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА МАЪМУРИЯТ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Халиллаева Сарвиноз Баҳодир қизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси
334-гуруҳ курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматини бажариш учун қолдирилган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми ва сақлаш шароитлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган. Мақолада маҳкумлар ва айбланувчиларнинг мақомини қатъий табақалаштириш, интизомий изоляторга киритиш жараёнида прокурор назорати механизмини жорий этиш ҳамда жамоатчилик назорати воситаларини (жумладан, Миллий превентив механизм доирасида) такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Тергов ҳибсхонаси, хўжалик хизматидаги маҳкумлар, ҳуқуқий мақом, пенитенциар муассаса маъмурияти, интизомий жазо, карцер, жарима изолятори, прокурор назорати, Миллий превентив механизм, ҳуқуқий коллизия.

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВОГО СТАТУСА ОСУЖДЕННЫХ, ОТБЫВАЮЩИХ НАКАЗАНИЕ В СЛЕДСТВЕННЫХ ИЗОЛЯТОРАХ, И ПОЛНОМОЧИЙ АДМИНИСТРАЦИИ

Аннотация: В данной статье анализируются проблемы, связанные с правовым статусом и условиями содержания осужденных, оставленных в следственных изоляторах для выполнения работ по хозяйственному обслуживанию. В статье разработаны научно обоснованные предложения по строгой дифференциации статуса осужденных и обвиняемых, внедрению механизма прокурорского надзора при водворении в дисциплинарный изолятор, а также совершенствованию инструментов общественного контроля (в том числе в рамках Национального превентивного механизма).

Ключевые слова: Следственный изолятор, осужденные отряда хозяйственного обслуживания, правовой статус, администрация пенитенциарного учреждения, дисциплинарное взыскание, карцер, штрафной изолятор, прокурорский надзор, Национальный превентивный механизм, правовая коллизия.

ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL STATUS OF CONVICTS SERVING SENTENCES IN PRE-TRIAL DETENTION CENTERS AND THE POWERS OF THE ADMINISTRATION

Abstract: *This article analyzes the problems related to the legal status and conditions of detention of convicts left in pre-trial detention centers to perform household maintenance work. The article develops scientifically grounded proposals for the strict differentiation of the status of convicts and the accused, the introduction of a mechanism of prosecutorial oversight when placing in a disciplinary isolator, and the improvement of public control tools (including within the framework of the National Preventive Mechanism).*

Keywords: *Pre-trial detention center, convicts of household maintenance squad, legal status, administration of penitentiary institution, disciplinary sanction, punishment cell, disciplinary isolator, prosecutorial oversight, National Preventive Mechanism, legal collision.*

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми ва маъмурият ваколатларини халқаро стандартлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш миллий қонунчилигимиздаги айрим нормаларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Мазкур масала нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро инсон ҳуқуқлари институтларининг ҳам доимий эътибор марказидадир. Хусусан, БМТ Шартномавий органларининг Ўзбекистон бўйича 2023 йилдаги якуний хулосаларида (Қийноқларга қарши қўмита тавсиялари асосида) пенитенциар муассасаларда жазо ва интизомий таъсир чораси сифатида якка тартибда сақлашнинг (карцернинг) ҳар қандай туридан фойдаланишни тўхтатиш ва бунга рухсат берувчи қонун ҳужжатларини бекор қилиш бўйича қатъий тавсиялар берилган.

Шунингдек, АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати бўйича 2024 йилги ҳисоботида ҳам тергов ҳибсхоналари ва қамоқхоналардаги шароитларни халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш, сақлаш жойларида мустақил мониторингни кучайтириш масалалари долзарб бўлиб қолаётганлиги таъкидланади. БМТнинг «Нельсон Мандела қоидалари»нинг 11-қоидасида эса судланган ва судланмаган маҳбуслар мақоми жиҳатидан бир-биридан кескин ажратилиши ва алоҳида муассасаларда (ёки блокларда) сақланиши қатъий талаб этилади. Маълумки, тергов ҳибсхоналари инфратузилмаси ва архитектураси фақатгина ҳали судланмаган шахсларни вақтинча изоляция қилишга мўлжалланган бўлиб, у ерда маҳкумларни қайта тарбиялаш ва ижтимоий мослаштириш учун зарур бўлган колония шароитлари мавжуд эмас. Шу боис, тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизмати учун қолдирилган ёки бошқа жинойт иши доирасида олиб келинган маҳкумларнинг

ҳуқуқий мақомини мазкур халқаро стандартларга тўлиқ имплементация қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда миллий пенитенциар тизимда қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ташкилий-техник ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги 445-сон қарорига асосан, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида қатъий интизомни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ходимларнинг персонал видеорегистраторлар (бодикамералар) билан хизмат ўташ тартиби ҳамда муассасаларда интеллектуал камералар («Smart») тизими жорий этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкумларнинг ҳуқуқларини кафолатлашда фақатгина техник ва инфратузилмавий назорат воситаларини жорий этишнинг ўзи етарли эмас. Токи маъмуриятнинг маҳкумларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш ваколатлари юридик жиҳатдан мустақил суд назоратига ўтказилмас экан, техник воситалар фақатгина мавжуд ваколатларнинг ижросини қайд этиш билан чекланиб қолади. Шу сабабли, рақамли ва техник модернизация жараёнлари албатта қонунчиликдаги процессуал кафолатларни кучайтириш билан параллел равишда олиб борилиши шарт.

Халқаро қамоқхоналарни ўрганиш маркази (ICPS) ва Европа пенитенциар тизимлари тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий жиноят-ижроия сиёсатининг асосий тенденцияси муассаса маъмуриятининг жазолаш ваколатларини қисқартириш ва маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирувчи ҳар қандай қарорни мустақил суд назоратига («пенитенциар судья» институтига) ўтказишга қаратилган.

Агар мазкур интизомий жазо механизмларини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилсак, икки хил фарқли ёндашув кўзга ташланади. Масалан, Россия Федерациясининг жиноят-ижроия тизимида ҳанузгача эскирган совет моделининг унсурлари сақланиб қолган бўлиб, РФ Жиноят-ижроия кодексининг 117-моддасига асосан, маҳкумни жарима изоляторига ёки камера типига хоналарга жойлаштириш ваколати суд назоратисиз, тўлиқлигича муассаса бошлиғининг яккабошчилик қарори асосида амалга оширилади, худди шундай ҳолат тергов ҳибсхоналарида ҳам кузатилади, шахсни карцерга киритиш фақатгина ҳибсхона бошлиғининг қарори билан амалга оширилади.

Бундан фарқли ўлароқ, АҚШ ва қатор Ғарбий Европа давлатлари пенитенциар тизимида маҳкумнинг сақлаш шароитини кескин оғирлаштирувчи бундай интизомий чоралар АҚШ Конституциясининг 14-тузатиши талабларига мувофиқ «тегишли ҳуқуқий жараён» (Due process) доирасида мустақил интизомий тинглов ёки пенитенциар судья иштирокидагина қўлланилишига рухсат этилади.

Жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, жазони ижро этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган «пенитенциар судья» институти, айниқса, Европа қитъаси давлатларида кенг ва самарали қўлланилмоқда. Хусусан:

Францияда: Жазони ижро этиш бўйича судья (Juge de l'application des peines) институти фаолият юритиб, улар маҳкумни муддатидан олдин озод қилиш, жазо режимини ўзгартириш ва оғир интизомий жазоларни қўллаш устидан бевосита суд назоратини амалга оширади.

Испанияда: Пенитенциар назорат судьяси (Juez de Vigilancia Penitenciaria) институти жорий этилган бўлиб, улар маҳкумларнинг шикоятларини кўриб чиқади ҳамда маҳкумни қарцерга киритиш каби оғир жазоларни фақат ушбу судьянинг санкцияси (рухсати) билангина қўллашга йўл қўйилади.

Италияда: Назорат қилувчи судья (Magistrato di Sorveglianza) ва Назорат судлари (Tribunale di Sorveglianza) тизими мавжуд бўлиб, ушбу суд органлари пенитенциар муассаса маъмуриятининг ҳаракатлари устидан назорат олиб боради, маҳкумларнинг сақлаш шароитлари билан боғлиқ шикоятларини кўриб чиқади ва интизомий жазоларнинг қонунийлигига баҳо беради.

Германияда: Минтақавий судлар ҳузурида Жазони ижро этиш бўйича махсус палаталар (Strafvollstreckungskammer) ташкил этилган. Ушбу суд палаталари маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиш билан бир қаторда, маъмурият томонидан маҳкумларни яқка кишилик камераларга (изоляторга) жойлаштириш каби кескин чораларнинг асослилигини текширади ва тасдиқлайди.

Илғор хорижий тажрибадаги ушбу ёндашувларни инобатга олган ҳолда, миллий қонунчилигимизда, хусусан, тергов ҳибсхоналаридаги маҳкумларга нисбатан оғир интизомий чораларни (қарцер ёки жарима изоляторига киритиш) қўллашда босқичма-босқич «пенитенциар судья» институтини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу механизмнинг амалиётга татбиқ этилиши пенитенциар тизимда маъмурий ўзбошимчаликнинг олдини олиб, жазони ижро этиш босқичида тўлақонли суд назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги халқаро мажбуриятлари (хусусан, Нельсон Мандела қоидаларига риоя этилиши) эскирган МДҲ тажрибасидан воз кечиб, бевосита ривожланган давлатларнинг илғор процессуал кафолатларига, мустақил суд назорати институтига ўтишни тақозо этади.

АҚШ пенитенциар тизими тажрибаси шуни кўрсатадики, гарчи тергов ҳибсхоналари ва қамоқхоналар маъмуриятида маҳкумларга нисбатан интизомий жазо (қарцер) қўллаш ваколати сақланиб қолган бўлса-да, мазкур жараён АҚШ Конституциясининг 14-тузатишига асосан «тегишли ҳуқуқий жараён» (Due process) доирасида қатъий чегараланган. АҚШ Олий Суди прецедентларига кўра, маҳкумга ўз-ўзидан маъмурий буйруқ билан эмас, балки мустақил Интизомий

тинглов офицери (ДНО) иштирокидаги «квази-суд» муҳокамасидан сўнг, ўзини ҳимоя қилиш ва гувоҳлар жалб этиш ҳуқуқи таъминланган ҳолдагина карцер жазоси тайинланиши мумкин.

Миллий қонунчилигимиздаги яна бир тизимли муаммо Жиноят-ижроия кодексда тергов ҳибсхонаси бошлиғининг маҳкумларга нисбатан интизомий ваколатлари аниқ чегараланмаганлигидир. Кодексда фақат умумлаштирилган ҳолда «муассаса бошлиғи» тушунчаси қўлланилган бўлиб, бу ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов ҳибсхонаси маъмуриятига ҳам «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунни (айбланувчилар учун), ҳам Жиноят-ижроия кодексини (маҳкумлар учун) ўз хоҳишига қараб, ўзаро аралаштириб қўллаш имконини бермоқда.

Айниқса, Жиноят-процессуал кодексининг 538-моддаси асосида (тергов ҳаракатларида ёки судда иштирок этиш учун) тергов ҳибсхонасига вақтинча сақлашга келтирилган маҳкумларга нисбатан маъмуриятнинг ваколат доираси ҳеч бир қонун ҳужжатида аниқ деталлаштирилмаган. Бундай ҳуқуқий бўшлиқ ваколатларнинг кенг талқин қилинишига ва маъмурий ўзбошимчалик ҳолатларига йўл очиб бериши мумкин.

Бу ўринда миллий қонунчилигимизда ўзига хос ҳуқуқий номутаносибликни кузатиш мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясига кўра юқори юридик кучга эга бўлган Жиноят-процессуал кодекси ва жиноят-ижроия кодексларида турли тоифадаги шахсларнинг мақоми умумий тарзда баён этилиб, ҳаволаки нормалар кўпроқ қўлланилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1, 7 ва 8-бандларида маҳкумлар ҳамда қамоққа олинган шахсларнинг мақоми, уларни сақлаш тартиби ва мақсадлари аниқ фарқланиб, деталлаштириб берилган. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги кодексларимизни ушбу замонавий концептуал талаблар асосида янада такомиллаштириш ва қонуности ҳужжатларида белгиланган илғор мақсадлар билан узвий уйғунлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Миллий қонунчилигимиздаги тергов ҳибсхонаси маъмуриятининг ваколатлари ва маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ муаммоларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Зеро, МДХ давлатлари ягона тарихий-ҳуқуқий тизимдан шаклланган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг пенитенциар қонунчилигида турлича модернизация жараёнлари кечмоқда.

Россия Федерацияси жиноят-ижроия ва жиноят-процессуал қонунчилигида тергов ҳибсхонасида сақланаётган маҳкумлар ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари қатъий табақалаштирилган. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят-ижроия кодексининг 74-моддаси тергов ҳибсхоналарини хўжалик хизматидаги маҳкумлар учун жазони ижро этиш муассасаси сифатида белгиласа, мазкур

Кодекснинг 77-моддаси 3-қисмида бу тоифадаги маҳкумлар «Жиноят-ижроия кодексида умумий тартибли ахлоқ тузатиш колониялари учун назарда тутилган шароитларда сақланиши» императив тарзда мустаҳкамланган. Бу норманинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, маҳкум тергов ҳибсхонаси биносида жазо ўтасада, унга нисбатан «Жиноят содир этишда гумон қилинган ва айбланаётганларни сақлаш тўғрисида»ги Федерал қонун нормалари умуман татбиқ этилмайди. Агар маҳкум муассасанинг ички тартиб-қоидаларини бузса, ҳибсхона маъмурияти унга айбланувчиларга бериладиган карцер жазосини эмас, балки айнан Жиноят-ижроия кодексининг 115-моддасида колония маҳкумлари учун кўзда тутилган жазоларни (масалан, жарима изоляторига киритиш) қўллашга мажбурдир. Бундай қатъий ҳуқуқий чегаранинг мавжудлиги миллий қонунчилигимизда кузатилаётгани каби мақоми турлича бўлган шахсларга нисбатан бир-бирига зид нормаларни ўринсиз «аралаштириб қўллаш» (ҳуқуқий коллизия) ҳолатларининг олдини олади.

Қозоғистон Республикаси қонунчилиги таҳлили пенитенциар муассасалар маъмуриятининг ваколатларини чеклаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги илғор қадамларни кўрсатади, гарчи қисқа муддатли изоляция чораларини (интизомий изоляторга ёки якка кишилик камерага киритиш) қўллаш Қозоғистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 131- ва 132-моддаларига кўра ҳанузгача муассаса бошлиғининг ваколатида қолган бўлса-да, мазкур қарор устидан прокурорни дарҳол (кейинги иш кунидан кечиктирмай) хабардор қилиш мажбурий процессуал талаб сифатида белгиланган. Интизомий жазони қўллаш босқичида бундай прокурор назорати механизмнинг жорий этилиши маҳкумлар ҳуқуқларини маъмурий ўзбошимчаликдан ҳимоя қилишнинг муҳим процессуал кафолати бўлиб, уни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий қонунчилигимизда интизомий жазо турларини ифодаловчи атамаларнинг қўлланилиши таҳлили ҳам мазкур ваколатларни қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади. Хусусан, халқаро ва хорижий пенитенциар амалиётда колониялар учун мўлжалланган «жарима изолятор» (ШИЗО) ва «камера типдаги хона» (ПКТ) ҳамда фақат тергов ҳибсхоналарига хос бўлган «карцер» тушунчалари қатъий табақалаштирилган бўлса-да, миллий Жиноят-ижроия кодексимизнинг давлат тилидаги матнида (109-модда) улар умумлаштирилган ҳолда «ҳибсхона» ва «карцер» атамалари билан берилган. Қонунчилик техникасидаги бундай терминологик ўзига хосликлар ва тушунчаларнинг турли режимдаги муассасаларга нисбатан аралашиб кетиши, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов ҳибсхонаси маъмуриятига интизомий ваколатларни кенг талқин қилишга замин яратмоқда. Айнан шу омил маҳкумнинг сақлаш шароитини кескин оғирлаштирувчи жазоларни қўллаш жараёнини фақатгина муассаса бошлиғининг ихтиёрида қолдирмасдан, унга нисбатан мустақил прокурор назорати ёки пенитенциар судья санкцияси каби

процессуал кафолатларни жорий этишнинг нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига кўра, маҳкумларни интизомий бўлинмага (жарима изоляторига ёки якка кишилик камерага) киритиб қўйиш ва ўтказиш фақатгина муассаса бошлиғининг қарори ҳамда тиббий хулоса асосида амалга оширилиши белгиланган. Миллий қонунчилигимизда (Жиноят-ижроия кодексининг 69, 69-1, 71 ва 73-моддалари) прокурорни зудлик билан хабардор қилиш мажбурияти фақатгина жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол ишлатилганда ёки маҳкум овқатдан бош тортган (очлик эълон қилган) фавқулодда ҳолатлардагина кўзда тутилган.

Маҳкумни изоляторга киритишдек оғир интизомий жазони қўллаш жараёнида эса бундай процессуал кафолатнинг (прокурор назоратининг) йўқлиги ваколатларнинг суистеъмол қилиниш хавфини оширади. Маҳкумнинг ҳуқуқларини бевосита чеклайдиган ва унинг сақлаш шароитини кескин оғирлаштирадиган интизомий бўлинмага жойлаштириш каби жиддий чора қўлланилганда, қарор устидан прокурор назорати қонунан тўлиқ кафолатланмаган. Бу эса жойларда пенитенциар муассаса маъмурияти томонидан ваколатларни суистеъмол қилиш ёки интизомий жазони асоссиз қўллаш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис, пенитенциар тизимда маъмурий ўзбошимчаликларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва прокурор назоратини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига «муассаса бошлиғининг маҳкумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тўғрисидаги қарори юзасидан йигирма тўрт соат ичида (ёхуд кейинги иш кунидан кечиктирмай) прокурорга ёзма равишда хабар берилади» мазмунидаги қўшимча нормани киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу норманинг имплементация қилиниши маҳкумларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда мустаҳкам процессуал кафолат бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, тергов ҳибсхоналаридаги маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва маъмуриятнинг интизомий жазо бериш ваколатларини чегаралашда МДХнинг илғор давлатлари аллақачон процессуал кафолатларни кучайтириш ва суд назоратини ўрнатиш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК ва ЖИК нормаларида эса ҳанузгача тергов ҳибсхонаси бошлиғига маҳкумлар устидан суд санкциясиз оғир интизомий жазо қўллаш ваколатининг сақланиб қолаётганлиги мазкур минтақавий ҳуқуқий ривожланиш тенденцияларидан ортда қолаётганимизни кўрсатади.

Тергов ҳибсхонаси маъмурияти томонидан маҳкумларга нисбатан интизомий жазо қўлланилишининг энг оғир ҳуқуқий оқибати бу маҳкумнинг кейинги тақдири, хусусан, унинг жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш

(Жиноят кодексининг 73-моддаси) ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш (74-модда) ҳуқуқига бевосита салбий таъсир кўрсатишидир.

Маълумки, маҳқумга бундай инсонпарварлик актларини қўллаш учун унинг «тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги» асос қилиб олинади ва бу ҳолат муассасада олинган интизомий жазоларнинг мавжуд эмаслиги билан ўлчанади. Оқибатда, маҳқум ўзининг асосий жазони ижро этиш колониясига қайтганидан сўнг, колония комиссияси тергов ҳибсхонасида олинган интизомий жазони асос қилиб, уни муддатидан илгари озод қилишни рад этади. Яъни, тергов ҳибсхонаси бошлиғининг суд санкциясиз қабул қилган битта маъмурий қарори маҳқумнинг йиллаб кутган озодликка чиқиш ҳуқуқини йўққа чиқаради ва амалда унинг қамоқда ўтириш муддатини сунъий равишда узайтиради. Бу эса интизомий преюдициянинг мантиқсиз қўлланилишига ва суд ҳокимиятининг ваколатлари маъмурий орган томонидан ўзлаштирилишига яққол мисол бўла олади.

Жиноят-ижроия кодекси ва жиноят-процессуал кодекси нормалари орасидаги яна бир кўзга ташланмаган зиддият бу маҳқумларнинг оиласи билан кўришиш ҳуқуқининг инфратузилма туфайли автоматик равишда бузилишидир. Жиноят-ижроия кодексига асосан, умумий ёки қатъий тартибли колонияда жазо ўтаётган маҳқумлар ўз оила аъзолари билан бир йилда бир неча маротаба 1 кундан 3 кунгача бўлган узоқ муддатли (бирга яшаш ҳуқуқи билан) учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ маҳқумнинг ыайта ижтимоийлашувига ва оилавий муносабатларини сақлаб қолиши учун энг муҳим кафолат ҳисобланади.

Бироқ, маҳқум бошқа жиноят иши доирасида тергов ҳибсхонасига ўтказилганда (ЖПК 538-модда) ёки хўжалик хизматига қолдирилганда (ЖИК 53-модда), ушбу ҳуқуқ қоғозда сақланиб қолса-да, амалда уни рўёбга чиқариш имконсиз бўлиб қолади. Сабаби, тергов ҳибсхоналарининг меъморий лойиҳаси ва инфратузилмаси (ўз мақомига кўра) фақатгина ойна орқали гаплашиладиган қисқа муддатли учрашув хоналарига мослашган бўлиб, у ерда маҳқумнинг оиласи билан 3 кун яшаши учун мўлжалланган «узоқ муддатли учрашув хоналари» назарда тутилмаган. Натижада, қонунчилик шахсни бу ҳуқуқдан бевосита маҳрум қилмаган бўлса-да, уни тергов ҳибсхонасига жойлаштиришнинг ўзи автоматик равишда оиласидан узоқ муддатга (баъзан йиллаб) тўлиқ узилишига олиб келади. Бу эса инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини яширин тарзда чеклаш ҳисобланади ва бунинг учун қонунчиликда ҳеч қандай компенсация механизми ёзилмаган.

Ушбу тоифадаги маҳқумларнинг тергов ҳибсхоналарида сақланиши устидан прокурор назорати ва жамоатчилик мониторингини амалга оширишда ҳам жиддий ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Амалиётда тергов ҳибсхоналари устидан назорат олиб борувчи прокурорлар асосан қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг қонунийлиги ва тергов ҳаракатларига эътибор қаратади. Колониялар устидан

назорат қилувчи прокурорлар эса фақат ўз ҳудудидаги жазони ижро этиш муассасаларини текширади.

Тергов ҳибсхонасининг ичида доимий (хўжалик хизматида) ёки вақтинча (гувоҳ сифатида) сақланаётган маҳкумлар эса ушбу икки хил назоратнинг ўртасидаги «бўшлиқ ҳудудига» тушиб қолади. Уларнинг меҳнат ҳуқуқлари қандай таъминланяпти, уларга интизомий жазолар объектив бериляптими ёки йўқми, бу масалалар кўпинча мунтазам прокурор назоратидан четда қолади. Бу ҳолат пенитенциар тизимда жамоатчилик назоратини амалга оширувчи Омбудсман ҳузуридаги Миллий превентив механизм вакилларининг мониторинг дастурларида ҳам ушбу тоифадаги маҳкумлар учун махсус сўровномалар ва текширув алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Юқоридагиларга асосланиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда мавжуд ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали, тергов ҳибсхонаси маъмуриятининг интизомий ваколатларини чеклаш. Хусусан, хўжалик хизматидаги ёки бошқа жиноят иши доирасида тергов ҳибсхонасида вақтинча сақланаётган маҳкумларга нисбатан сақлаш шароитини кескин оғирлаштирувчи оғир интизомий таъсир чораларини (карцерга жойлаштиришни) фақатгина мустақил суд назорати (пенитенциар судья санкцияси) асосида амалга оширилишини қатъий белгилаш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида «Тергов ҳибсхонаси маъмуриятининг ваколатлари» номли махсус нормани жорий этиш. Мазкур нормада тергов ҳибсхонасида сақланаётган шахсларнинг юридик мақомидан (айбланувчи ёки маҳкум эканлигидан) келиб чиқиб, уларга нисбатан табақалаштирилган интизомий ва рағбатлантириш чораларини қўллашнинг аниқ механизмларини чегаралаб бериш;

Учинчидан, БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси тавсияларидан келиб чиқиб, тергов ҳибсхоналарида маҳкумларни сақлаш режимини қамоққа олинган шахсларни сақлаш режимидан институционал жиҳатдан ажратиш. Бунинг учун тергов ҳибсхоналари ичида маҳкумлар учун тубдан фарқ қилувчи, жазони ижро этиш колонияларининг маиший-моддий стандартларига (очиқ ҳаводаги ҳаракатланиш, узоқ муддатли учрашувлар) тўлиқ тенглаштирилган алоҳида жойлар ташкил этишни қонунан мустаҳкамлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши миллий пенитенциар тизимда қонунийликни таъминлашнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини умумэътироф этилган халқаро нормаларга интеграция қилишга ҳамда муассаса

маъмурияти ваколатлари доирасида юзага келиши мумкин бўлган субъектив ёндашувларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ." Новости образования: исследование в XXI веке 4.40 (2025): 18-24.
2. Атажанов Ў. М., Найимов Х. Ж. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ //Научный Импульс. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 703-709.
3. Атажанов, У. М. (2025). ДЕТЕРМИНАНТЫ КРИМИНОГЕННОСТИ СЕМЬИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ В СИСТЕМЕ УКРЕПЛЕНИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Научный Импульс, 3(33), 157-165.
4. Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.
5. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ." Научный Импульс 3.33 (2025): 146-156.
6. Атажанов Ў. М. и др. ФУҚАРОЛИК ВА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 333-340.
7. Атажанов, Ў. М. (2026). ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(41), 663-674.
8. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 648-660.
9. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Хуршид Жамшидович Найимов. "ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ, ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ." Научный Импульс 4.40 (2025): 346-354.
10. Muratbaevna, Kaipbaeva Zaxira. "PROFILAKTIKA INSPEKTORLARI TOMONIDAN O 'G 'IRLIK JINOYATLARINING UMUMIY PROFILAKTIKASINI

ТАКОМИЛЛАСHTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY MASALALARI." Научный Импульс 4.39 (2025): 458-466.

11. Адхамов, З. А. (2025). ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(5-2), 31-35.

12. Адхамов З. А. БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 6. – С. 85-89.

13. Бобур, М. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ. *PEDAGOGS INTERNATIONAL RESEARCH JOURNAL*, 95(1), 175-181.

14. Ганиев, Фаррух Тахиржанович, and Мухаммадлазиз Санжарбек угли Мавленбеков. "ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ И ПРЕСЕЧЕНИЮ ПОРНОГРАФИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ И ИХ РАСПРОСТРАНЕНИЯ." *Integration of Innovative Education and Training* 2.2 (2026): 207-214.

15. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Отабек Улуғбек Ўғли Жумашев. "ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.3 (2025): 42-46.

16. Турсунова, Сабина Равшановна. "ПРИМЕНЕНИЕ ПРОФАЙЛИНГА В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ." *Central Asian Journal of Education and Innovation* 4.9 (2025): 45-52.

17. Нарзиев, Ш., Қодирова И. БАРКАМОЛ, and ВАРС ЖИСМОНИЙ. "ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ." *Академические исследования в современной науке* 3 (2024): 20.

18. Нарзиев, Ш., and Р. Абдумаликов. "Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари." *Инновационные исследования в науке* 3 (2024): 4.

19. Вахобжонов, Д. Ху. "у; бузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳамкорлиги ташкилий-хук; ук; ий асослари." *Бюллетень педагогов нового Узбекистана* 1, no. 12 (2023): 117-125.

20. Нарзиев Ш. З. и др. КИБЕР-ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ // *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*. – 2024. – Т. 44. – №. 2. – С. 9-13.

21. Нарзиев Ш., Ақромов Н. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ИЖТИМОЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ

ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА АЙРИМ ФИКРЛАР //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 177-183.

22. Нарзиев Ш., Усмонов М. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СУРИНКАЛИ ИЧКИЛИККА РУЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 19. – С. 5-12.

23. Нарзиев Ш., Саъдуллаев Ш. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 20. – С. 173-177.

24. Samatov , S. , & Narziyev , S. . (2024). PROFILAKTIKA INSPEKTORLARINING AYOLLAR O'RTASIDA RETSIDIV JINOYATCHILIGINI OLDINI OLISH FAOLIYATINI ZAMONAVIY XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. Молодые ученые, 2(14), 39–45. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/yo/article/view/31822>